СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 148 (10.201) / 2004 ЙИЛ 3 АВГУСТ

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

**31 июль куни Оқсаройда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.**

**Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.**

Тегишли хизматлар ва идоралар раҳбарлари содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текшириш борасида кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга эътибор қаратилди. Террорчилик ҳаракатларининг такрорланмаслиги учун зарур чоралар кўрилгани, пойтахтимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон эканлиги, хавотир учун ҳеч қандай асос йўқлиги қайд қилинди.

Атрофлича ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш ишларини кучайтириш, хусусан, террорчиларнинг шахси ва уларнинг кимлар билан алоқадорлигини, ортида кимлар турганлигини жиддий текшириш юзасидан қатъий кўрсатмалар берилди.

Президентимиз террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

**ЎзА**

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗГА РАХНА СОЛОЛМАЙДИ

Юртимизда ёз фаслининг охирги ойи бошланди. Табиат ёғин-сочин мавсумига яқинлашаётганимиздан огоҳлантираётгандек — тунда ёмғир ёғиб, тонгда шунга яраша салқин эпкинлар эсмоқда.

Пойтахтимизда ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Шаҳар кўчалари, сўлим хиёбонлар гавжум. Ҳамюртларимиз кундалик турмуш ташвишлари билан машғул. Ким ишга шошган, кимдир ишдан қайтмоқда. Кимдир оила аъзолари билан сайрга чиққан. Яна кимлардир бозор-ўчарга отланган.

Ёзги таътилни шаҳарда - мўъжаз кўллар бўйида, кумуш фавворалар ёнида, дилкушо боғларда ўтказаётган болажонларнинг шодон қийқириқлари дилларга хушнудлик бахш этади.

Қайноқ ҳаёт оғушидаги фусункор томошагоҳлар, тарихий обидалару қутлуғ қадамжолар, маданият кошоналарию кўркам замонавий иморатлар олдида, одатдагидек, хорижлик меҳмонлар ўз ҳайрат ва ҳаяжонини фотоаппарату видеокамераларга муҳрлайди.

Пойтахтимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Яқинда бу ерда рўй берган террорчилик ҳаракатлари юртдош-



ларимизнинг некбин ва бунёдкорлик кайфиятига, юртимизнинг бугунги куни ва келажагига бўлган ишончига заррача ҳам соя солгани йўқ.

Ғанимларимиз кутгани ё ўйлаганидек, бу воқеалар кишиларимизни ваҳима ва хавотирга туширмади. Аксинча, бахту иқболимизни кўролмайдиган ёвуз кучлар томонидан содир этилган портлашлар юртдошларимизни янада жипслаштирди, янада ҳушёрлик ва сезгирликка ундади. Юракларимизда бир-биримизга нисбатан меҳр-оқибат ошди, ғанимларимизга нафрат кучайди.

Бу, аввало, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, эл-юртимизга қарши қаратилган бундай фитна ва хатарлар қайта такрорланмаслиги учун тезкорлик билан кўрган қатъий ва зарур чоралари мисолида яққол намоён бўлди.

Буни халқимизнинг жипслиги ва куч-



ли иродаси тимсолида ҳам аниқ ва равшан кўриш мумкин.

Портлашлар оқибатида ҳаётдан кўз юмган ватандошларимиз хонадонларидан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этиш, кўнгил сўраш учун келувчиларнинг қадами узилмаётир.

Масъулиятли ва оғир дамларда бир-бирига ҳамдам, далда ва суянч бўлиш халқимизнинг азалий одати. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўзаро суҳбатларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда юртдошларимиз бўлиб ўтган воқеага ўзларининг қатъий муносабатини билдирмоқдалар. Бундай тажовуз ва террорчилик хуружларининг бошида турганлар халқимизнинг чексиз нафратига лойиқ экани, ҳеч ким ҳеч қачон мустақиллигимизга, озод ва бахтли ҳаётимизга, тинчлик ва осойишталигимизга рахна сололмаслиги баралла айтилмоқда.

Бугун замондош ва ватандошларимизнинг фикру зикридаги ягона ва эзгу мақсад-муддао, якдил хоҳиш-ирода шу:

Ушбу қутлуғ заминда яшаётган катта-ю кичик барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан курашайлик. Огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлайлик. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов даъвати — «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидек сақлашга ҳар биримиз баб-баравар масъулмиз.

**Ғулом Мирзо,**
**ЎзА шарҳловчиси**
**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар**

**30 июль куни Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик хуружлари муносабати билан қатор халқаро ташкилотлар ва давлатлар раҳбарлари берган баёнотларда ушбу мудҳиш жиноят кескин қораланмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ва қурбон бўлганлар оилаларига ҳамдардлик билдирилмоқда.**

## ТЕРРОРЧИЛАР ҲАРАКАТЛАРИ ҚОРАЛАНМОҚДА

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг баёнотида ушбу жиноий ҳаракатларни ўта кескин тарзда қоралаши айтилади. Дипломатик миссиялар ва тинч аҳолига нисбатан содир этилган ҳужумлар оқлаб бўлмайдиган жиноятдир.

* * *

Европа Иттифоқи Умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Хавьер Солана ўз баёнотида қуйидагиларни қайд этган:

"Мен Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан чуқур ларзага келдим ва ташвишга тушдим. Ушбу мудҳиш воқеалар натижасида қурбон бўлганлар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдираман".

* * *

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэл қуйидаги баёнот билан чиқди:

"Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралаймиз. Бегуноҳ одамлар қурбон бўлдилар. Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам бу каби ҳаракатларни оқлай олмаймиз. Мен Ўзбекистон ҳукумати мазкур террорчилик ҳаракатлари ижрочиларини топиб, уларни одил судга тортишда барча имкониятларни ишга солишига ишонаман.

Ўзбекистон раҳбариятининг терроризмга қарши курашдаги қатъияти ва Ўзбекистоннинг бу офатга қарши глобал урушда АҚШнинг ишончли ҳамкори эканига ишончим комил".

* * *

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги баёнотида шундай дейилади:

"Москва мамлакатда вазиятни беқарорлаштириш, аҳоли ўртасида қўрқув ва ишончсизлик туғдириш мақсадида Тошкентда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралайди. Дўст Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи билан бирдамлигимизни билдириб, халқаро терроризмнинг барча кўринишларига қарши муросасиз курашда жаҳон ҳамжамияти саъйи-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича Россиянинг қатъий позициясини тасдиқлаймиз".

* * *

"Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати бегуноҳ фуқаролар ўлимига сабаб бўлган ва хавфсизликни бузиш мақсадида содир этилган ушбу террорчилик ҳаракатларини қоралаб, минтақада ва дунёда терроризмга қарши ҳамкорликдаги курашни кучайтириш заруриятини таъкидлайди", - дейилади ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулланинг ҳукумат номидан қилган мурожаатида.

* * *

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган таъзияномасида шундай дейилади:

"Қурбонлар бўлишига сабаб бўлган Тошкентдаги портлашлар тўғрисидаги хабар Беларусь Республикасида қайғу билан қабул қилинди.

Мамлакатимиз терроризмнинг барча кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боради ва ушбу жиноят ташкилотчилари қилмишларига яраша жазоланишига ишонади.

Беларусь халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдираман".

* * *

Шунингдек, телефон орқали бўлиб ўтган мулоқот чоғида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонов Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ўз ҳамдардлигини билдирди.

**"Жаҳон" АА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий «Маҳалла куни» муносабати билан бўлиб ўтган тадбир Чилонзор туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги «Парламент журналистлари» клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликларида шаҳримизда «Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш» мавзуида тадбир уюштирилди.

● **ЖОРИЙ** йилги ўқув мавсумида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан мактаб ўқувчилари учун 34 турдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида жорий йилнинг олти ойлик иш якунлари ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Қашқадарё вилояти ҳокимлигида шу йилнинг декабрь ойида илк бор икки палатали парламентни шакллантириш учун ўтказиладиган сайловларга бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.**

**● Бухоро ва Сирдарё вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди.**

**● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Универсиада-2004» матбуот маркази иш бошлади. Марказ журналистлар учун асқотадиган барча замонавий алоқа воситалари билан таъминланган.**

**● Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Меҳр ва мурувват йили ҳамда болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган «Мустаҳкам оила — кучли Ватан» шиори остида фестиваль бошланди. Фестивалда қўшни оромгоҳларда дам олаётган болалар ҳам иштирок этмоқда.**

### Жаҳонда

**● Швейцариянинг Женева шаҳрида Жаҳон савдо ташкилоти кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЖСТга аъзо 147 мамлакатнинг савдо ва қишлоқ хўжалиги вазирлари қатнашди.**

**● АҚШнинг Бостон шаҳрида демократларнинг навбатдаги қурултойи бошланди. Қурултойда ноябрь ойида ўтадиган президент сайловига расман номзод тасдиқланади, шунингдек, партиянинг сиёсий ҳаракат дастури белгилаб олинади.**

**● Бельгияда йирик саноат ҳалокати рўй берди. Брюссель шаҳри атрофида жойлашган юқори босимли газ тақсимлаш мажмуасида бир неча бор рўй берган кучли портлаш натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмди, 120 га яқин киши жароҳатланди.**

**● Покистонда бўлажак бош вазир Шавкат Азиз ҳаётига суиқасд қилинди. Натижада 6 киши ҳаётдан кўз юмган бўлсада, Азизнинг ўзига зиён етмади.**

**● Бундан 1 ой муқаддам фазога парвоз қилган SpaceShipOne хусусий космик кемаси 10 миллион доллар миқдордаги ютуқни қўлга киритиш мақсадида 29 сентябрга янги парвоз уюштиришни режалаштирган.**

*Иқтисодиёт*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИЗОРЛАР

**«Фотон» акционерлик жамияти қошида ташкил этилган «Нодира» илмий ишлаб чиқариш фирмаси айни пайтда аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда рангли ва оқ-қора телевизорлар ишлаб чиқармоқда.**

Асосан Япониянинг «Sony» фирмаси телевизорлари графикасига мослаб тайёрланаётган корхона маҳсулотлари бугунги кунда сифати жиҳатидан анча юқори десак хато қилмаймиз. Корхонага ишлаб чиқариш учун керакли хом ашё асосан Жанубий Кореядан келтириладиган телевизор кинескоп ва корпусларидир. Фирманинг 25 нафарга яқин ишчи-мутахассислари корхонада бир неча босқичли ишни амалга оширишади. Дастлаб телевизор кинескопларининг ишга яроқлилиги текширилиб, сўнгра улар олд ва орқа корпусларга мустаҳкамланади. Бу ишлар асосан юқори технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Барча зарурий элементлар йиғиб бўлингач ярим тайёр маҳсулот саккиз соат назорат-текширувда туради. Генгольса хонасида магнит майдони ноль градусда текширувдан ўтган телевизорларнинг геометрияси текширилади.

— Корхонамизнинг тайёр маҳсулотлари «Фотон» акционерлиқ жамиятининг «Нур» дўконида сотувга чиқарилади, — дейди созловчи мутахассис Рустам Атаматов. — Маҳсулотимизга 2 йил кафолат қоғози ҳам берилади.

Корхонада шунингдек, майда бутловчи қисмлар ҳам ишлаб чиқарилади. Келгусида шу ернинг ўзида телевизорлар учун корпуслар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

## МАКАРОН ЦЕХИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

**Болажонларимиз учун ширинликларни ҳозирда истаган дўконимиздан харид қилиш мумкин. Айниқса, дастурхонимизга янада чирой бағишловчи ўзимизда ишлаб чиқарилаётган карамель ва вафлили конфетларнинг турли-туманлигидан харидорда танлаш имкони янада ошади.**

Шаҳримиздаги «Дероз» корхонаси ҳам ҳозирда ана шундай турли-туман қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналардан ҳисобланади.

Дастлаб корхонада вафли ва карамелли конфетлар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда 30 хилдан ортиқ қандолат маҳсулотлари, яъни кесма вафли, 7 хилдаги карамель, 4 хил печенье, 5 хилдаги вафлили конфетлар ҳамда вафли шоколадлар тайёрланмоқда.

— Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди корхона раҳбари Ҳасан Илҳомов. — «Тошмаргёғ» акционерлик жамиятидан ёғ, «Тошкентдонмахсулоти» очиқ акциядорлик жамиятидан ун маҳсулотлари шартнома асосида сотиб олинади.

Замонавий линиялар билан жиҳозланган корхонада шунингдек, янги макарон цехи ҳам ишга туширилди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Бунёдкорлик*

**Шаҳримиз қурилиш майдонларида айни ёзнинг иссиқ дамларидан унумли фойдаланаётган бунёдкорларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар ўз меҳнатлари билан пойтахтимизни яшнатиш, кўркига кўрк қўшиш ниятида тер тўкишмоқда.**



## КЎПРИКСОЗЛАР ҒАЙРАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Капитал қурилишда ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги Президентимиз Фармони ва унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунёдкорлар зиммасига янада катта масъулият юклаб, тез ва соз, сифатли ва рақобатли қурилишга, қурилиш ашёларидан самарали фойдаланишга, «калитни топшириш» усулини қўллашга ундайди. Бу, албатта, қурилишлар кўламининг ортишига, буюртмачи ва пудратчи муносабатларида ажойиб ўзгаришларга сабаб бўлди, қурилиш таннархининг ошиб кетмаслигида ўтказилаётган тендер савдолари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада кўприксозларнинг ҳам алоҳида ўрни бўлиб, улар бунёд этган иншоотлар нафақат юртимизга чирой, балки барчага қулайлик ҳам бағишлайди. «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 14-«Қорақалпоқ кўприк қурилиш» отряди жамоаси ҳам ўз хизматлари билан мустақиллик йилларида бунёдкорлик ва ободликка катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айни кунларда эса улар пой-



тахтимизда қурилаётган Амир Темур шоҳкўчасидаги Асомов ва Эргашев кўчаларини бир бири билан боғловчи муҳим иншоот — кўприк қурилишида ёрдамчи пудратчи сифатида меҳнат қилишмоқда.

— Ушбу кўприк қурилиши бошланганидан буён 50 нафардан зиёд бунёдкорларимиз сидқидилдан меҳнат қилишмоқда, — дейди бригада бошлиғи Давлат Қуллиев. — Шу кунларда кўприк қурилиши ишлари ниҳояланмоқда. Албатта, пойтахтдаги мана шундай масъулиятли қурилишда бор тажрибамизни ишга солдик. Энг муҳими эса бу ердаги барча соҳа ходимлари билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилдик. Нафақат тошкентликлар, балки пойтахтга меҳмон бўлиб келган ҳар бир ҳамюртимиз ушбу қулайликдан фойдаланиб, ишимизга ўз баҳосини беришига аминмиз. Ҳали маҳоратларимизни янада улкан бунёдкорлик юмушларида ҳам кўрсатиш ниятидамиз. Шу ўринда Юсуф Нурембетов, Анвар Ғоипов, Рашид Қутлимуродов, Баҳодир Айтчонов сингари монтажчи, пайвандчи ва дурадгорларимизнинг ишларини таъкидласам бўлади. Улар ушбу кўприк қурилишига муносиб ҳисса қўшишди.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: бригада сардори (ўртада) Давлат Қуллиев илғорлар даврасида; тажрибали монтажчи Турсунбой Черметов.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ҚАЛБИДА УЛКАН МАТОНАТ

**Мўъжиза излайсиз — кўнгил беэга,**
**Сарғайиб боради сабрнинг юзи.**
**Нега англамайсиз, кўрмайсиз нега?**
**Ахир мўъжиза-ку аёлнинг ўзи!**

Дарҳақиқат, оламни меҳр нурлари ила нурафшон этувчи, борлиқни қалбидаги гўзалликлари орқали янада кўркамлаштирувчи оқила аёлларимизни мўъжизага қиёслашимиз бежиз эмас. Зеро, аксарият аёллар «ожиза» бўлишига қарамай ҳаётда ҳам, ишда ҳам ғоятда камтарин ва камсуқум, ҳалол меҳнати ва шижоати билан атрофдагиларга доимо ибрат бўлувчи, муомалада эса босиқ, мулоҳаза билан сўз айтувчи инсонлар қаторига киришади.

Сергели туманидаги «Учувчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Орзигул Содиқовани ҳам ана шундай фазилатлар эгаси десак, янглишмаган бўламиз. Чунки, Орзигул опа билан қачон учрашмайлик, доимо унинг маҳаллани янада обод, кўркам ва файзли этиш йўлида жон куйдираётганига гувоҳ бўлганмиз. Маҳалладаги қаровсиз ҳолатда ётган хиёбон Орзигул Содиқова раҳбарлигида ободонлаштирилиб, атрофи чиройли гуллар билан ўралган.

— Бу ташландиқ хиёбон илгари киши дилини хира қиладиган кўринишда эди. Боз устига, маҳалламиз кичкинтойлари учун болалар майдончаси ҳам йўқ эди, — дейди Орзигул опа. — «Ҳаракатда баракат», деганларидек, Зокир Амиров, Бахтиёр Матмусаев, Геннадий Васильев ва бошқа фаоллар билан бирга маҳалламизни ободонлаштириш йўлидаги бу сафарги уринишимиз ҳам бесамар кетмади. Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилингани маҳалламиз аҳлини кўплаб хайрли ишларни амалга оширишга руҳлантирди. Маҳалламизнинг номидан ҳам билиш мумкинки, бу ерда кўпроқ учувчилар ва авиацияга дахлдор кишилар истиқомат қилишади. Албатта, биз уларга имкон қадар қулай шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Фикримиз асоси сифатида шуларни айтишим мумкинки, маҳалламиз поликлиникасида уруш қатнашчилари ва фахрийларига бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Авиаходимлар Касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан эса нафақахўрлар ва авиаходимларга даволанишлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун турли дам олиш масканларига йўлланмалар доимий равишда бериб борилади. Шунингдек, қўмита томонидан пойтахтимизда ўтказиладиган турли тадбирлар, театр ва концертларга авиаходимлар учун чипталар ажратиш ҳам жорий қилинган.

Маҳалламизда фахрийларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш анъанага айланган. Нафақат Меҳр ва мурувват йилида, балки ҳар доим қўлимиздан келганча атрофдагиларга яхшилик қилиш ниятидамиз.

Бир мутафаккир «Кичкина яхшилик қилиш учун ҳам инсон улкан юрак эгаси бўлиши керак», — деганда тамомила ҳақ эди. Дили атрофдагиларга эзгулик улашиш истаги билан тўлиб-тошган Орзигул опа каби барча юртдошларимизга ҳам самимий, пок ниятлар бир умр йўлдош бўлишига тилакдошмиз.

**Рисолат РАҲМОНОВА**

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

**Тиббий кўмакка муҳтожларга мурувват кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш каби савобли ишлар миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Шу боис ижтимоий муҳофаза жамиятимиз ривожининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани, аҳолини, айниқса, дардманд кишиларни аниқ йўналтирилган ҳимоялаш тизими барпо этилгани бежиз эмас.**

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилувчи «Мафтункор ранглар жилоси» халқаро болалар бадиий кўрик-танлови ҳам айнан ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз истиқлолининг 13 йиллик байрамига бағишланган ушбу танловни Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бадиий академия, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Ёнграг» халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ташкил этди.

Бу йил тўққизинчи марта ўтказилган танловнинг якунловчи босқичида етмишдан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. Тадбирда нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё давлатлари вакиллари ҳам қатнашди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, етти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган қатнашчилар гуруҳида биринчи ўрин Рената Каримовага /Тошкент шаҳри/, иккинчи ўрин Моҳира Ўрозбоевага /Тошкент вилояти/, учинчи ўрин Эдем Абдураҳмоновга /Жиззах/ насиб этди.

Ўн уч ёшдан ўн етти ёшгача бўлган иштирокчилар гуруҳида эса Бахтиёр Маматов биринчи ўринга /Жиззах вилояти/, Олмагул Мирзагалиева иккинчи ўринга / Қорақалпоғистон Республикаси/, бухоролик Зарнигор Ҳакимова учинчи ўринга лойиқ топилди.

Танлов ғолибларига ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Таълим*

## ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

**Бугунги кунда олий ўқув юртларида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Ўқув даргоҳлари қайтадан таъмирланиб, ўқишга шай қилиб қўйилди. Шунингдек турли хил ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда.**

Тошкент автомобиль йўллари институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дагар Расуловнинг ўқув қўлланмаси янги ўқув йилига совға бўлди.

Қўлланмада маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, ўзбек халқининг шарқона одобу ахлоқи ҳақида ҳам сўз борган. Бу ўқув қўлланма талабаларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам бирдай асқотади.

## ЎҚУВ МАСКАНИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ҳам ўқув йилини ўзига хос байрамона тарзда бошлашга ҳаракат қилмоқда.**

Мазкур ўқув даргоҳи қайта таъмирланди. Талабалар аудиторияларининг эшик ва ромлари янги бўёқдан чиқди.

— Институтимиз жамоаси билан ҳамкорликда янги ўқув йилига жиддий ҳозирлик кўраяпмиз, — дейди институт проректори Абдухалил Мавлулов. — Чунки талаба наинки яхши ўқиши, балки ўзини бардам ва эркин сезиши учун шинам, озода хоналарда сабоқ олишлари шарт. Талабаларимиз эртанги кунимизнинг чароғон юлдузларидир.

**Марҳабо ҒАФУРОВА**

## РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧДА БИРИНЧИ

**Республика тест маркази мамлакатимиздаги янги турдаги ўқув юртлари ўқувчиларининг билим даражаси рейтинг кўрсаткичларини сарҳисоб қилиб чиқди. Натижаларга кўра, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузурида фаолият кўрсатаётган академик лицей биринчи ўринни эгаллади.**

Чиндан ҳам бу ўқув даргоҳида ўқувчиларга пухта билим бериш борасида кенг қамровли таълимий жараёнлар амалга оширилмоқда. Бу ерда техника воситаларининг мустаҳкам негизи яратилган кодоскоп, аудио-видеотехника, лингафон жиҳозларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Компьютер ва фан хоналарида 100 га яқин «ақл»ли машина ишлаб турибди. «Инглиз тили», «Умумжаҳон тарихи», «Миллий истиқлол ғояси» каби фанлар бўйича электрон талқини жорий этилди.

Лицейнинг Интернет синфи ҳам ўқувчилар билимини сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтаришда муҳим техник восита бўлиб хизмат қилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

*Танловлар*

## ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

**Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида ўтказилаётган Ўзбекистон қўшиқ байрами танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**



Қўшиқ байрамини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Республика халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази, Ўзбек Миллий академик драма театри, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда ўтказдилар.



Танловнинг якуний босқичида республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан жами 13 нафар истеъдод эгалари иштирок этдилар.

— «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловини ўтказишдан мақсад, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров, — Мустақилликнинг ўн уч йиллигига бағишланган, юртимиз чиройини мадҳ этган энг сара қўшиқларни танлаб олиш, ёш истеъдод эгаларини кашф этишдир.

Дарҳақиқат, бу танлов ҳақиқий қўшиқ байрамига айланиб кетди. Саҳнага чиққан ҳар бир иштирокчини томошабинлар гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар. Она юртимиз гўзаллигини, сахий заминимиз тароватини, бағрикенг халқимизнинг меҳру муҳаббатини юксак эҳтиром, чексиз меҳр билан куйлаётган танлов иштирокчилари бор маҳоратларини намойиш этдилар.

Танлов сўнгида ғолиблар ҳайъат аъзолари томонидан эълон қилинди. Биринчи ўрин Самарқанд вилоятидан Умида Ёрмуҳамедовага «Ватаним» қўшиғи учун, иккинчи ўрин Навоий вилоятидан Шерзод Давроновга «Муҳаббат» қўшиғи учун, учинчи ўрин эса Фарғона вилоятининг «Анор» дастасига насиб этди.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Фарангиз» халқ вокал-чолғу ансамбли «Мустақил диёримиз» деб номланган қўшиғи учун рағбатлантирувчи диплом билан тақдирланди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг биз ҳайъат аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Бахтиёр САЙФУДДИНОВ, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ректори:**

— Агар тўғрисини айтадиган бўлсак, бу танловдан унчалик кўнглим тўлмади. Нега деганда миллий руҳдаги қўшиқларимиз кам. Майли, хонанда эстрада соҳасида қўшиқ айтсин. Лекин мусиқага, қўшиқ матнига эътибор берсин. Нима бўлганда ҳам интилиш бор, янги иқтидорлар кўзга ташланмоқда. Мен иштирокчиларнинг барчасига омад ва бахт тилайман.

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ шоири:**

**— Дерларки, куй билан**
**кирган ширин жон,**
**Яхши куй куйласа, сел бўлиб кетар.**
**Қўшиқ сеҳри билан бегона инсон,**
**Душман ҳам дўст бўлиб,**
**эл бўлиб кетар.**

Мен «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг барча иштирокчиларини чин юракдан самимий қутлайман. Изланиш, интилиш бор жойда камчиликлар ҳам албатта бўлади. Бизнинг асосий мақсадимиз янги, ўлмас қўшиқлар яратиш, янгиянги истеъдод эгаларини кашф этиш. Нурли маскан, жаннатмакон юртимиз довруғини оламга таратувчи қўшиқлар яратиш.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг республика босқичидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар.**



*Иқтисодиёт*

## ҚУРИЛМАЛАР МАЖМУАСИ ЯРАТИЛДИ

**Тадбиркорликка кенг йўл очилган бугунги кунда имкониятлардан оқилона фойдаланиб иш юритаётган корхоналар орасида «OL-SI» масъулияти чекланган жамияти ўз ўрнига эга.**

Жорий йилда бир нечта янгиликка қўл урган «OL-SI»чилар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун етарлича маблағ топиш мақсадларини кўзлаган ҳолда иш юритиб, янги қурилмалар комплексини яратишга муваффақ бўлдилар. Мазкур қурилма— буғловчи цилиндрсимон идишда юқори даражадаги иссиқликда пахтадан олинган шелухага ишлов беради ҳамда мицели (қўзиқорин) уруғлари билан аралаштиради, совутади, шундан кейингина целлофан пакетларга жойлайди. Бу ускуна 1 кунда ўртача 500 та қўзиқорин блоклари тайёрлаш қувватига эга.

Қувонарлиси, бундай ускуна қатор афзалликларга эга бўлиб, ҳозирча Ўзбекистонда ягона, у инсон саломатлиги учун фойдали бўлган шифобахш неъмат - қўзиқоринни технологик ишловдан ўтказиб, безарар ҳолда мижозларга етказишда қўл келади. Корхона лабораторияси - тажрибахонада мўътадил ҳаво — $21^0$ —$22^0$ даража ҳароратни сақлаб туриш учун бир нечта совитувчи, ҳаво узатувчи мослама ва қурилмалар ҳам корхона муҳандис-техник ходимларининг изланишлари натижасида яратилган.

Эзгу мақсадларни кўзлаб, иш юритаётган жамият аъзолари тўғри йўлини топганига шубҳа йўқ. Улар бу йўлда келгусида катта зафарлар қучишига, ташаббуслар кўрсатиб янгидан-янги харидорбоп маҳсулотлар яратишларига умид билдирамиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: «OL-SI» масъулияти чекланган жамиятининг етакчи муҳандиси Татьяна Бачбекова ҳамда тажрибали корхона бош ҳисобчиси Ольга Сидорченко иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

**Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш жараёнида қатор янгиликлар ҳам амалга оширилмоқда. Янги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.**

## МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институтида ҳам замонага мос ўқув курсларини очиш тараддуди кўрилмоқда. Булар, ер усти темир йўл транспорти тизимида банд бўладиган мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқдир.

Поезд вагонлари ва локомотив хўжалигида ишлайдиган электромеханик муҳандисларнинг гуруҳларини ўқитишга ҳам киришилади. Бунинг учун мустаҳкам ўқув негизи яратилиб, дарслик ва қўлланмалар устида иш олиб борилади.

Олий ўқув юртида касбий таълимни ривожлантиришга қаратилган маърифий тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Менежмент, телекоммуникация, бинолар ва иншоотларни қуриш ихтисосликлари бўйича ўқув жараёнлари йўлга қўйилади.

**Анвар ВАЛИЕВ**

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес субъектларини ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бутловчи қисмлар билан кенг кўламда таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада ихтисослашган улгуржи савдо ташкилотлари муҳим ўрин тутади.**

— Тизим таркибидаги ўнта корхона россиялик ҳамкорлар билан маҳсулот харид қилиш юзасидан салкам икки миллион АҚШ долларига тенг шартнома имзолаган,— деди «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Музроп Миржалилов ЎзА мухбирига. — Ҳозиргача ярим миллион АҚШ доллари миқдоридаги турли ҳажмли қувурлар, машина-техника ускуналари, ёғоч ва қурилиш материаллари, кимё ва электротехника саноатида кенг қўлланиладиган эллик турдаги маҳсулот нисбатан арзон нархларда юртимиз тадбиркорларига етказиб берилди.

Компания улгуржи савдо-сотиқ ҳажмини кўпайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш фаолиятини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда қарийб бир миллион АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри инвестиция жалб этди.

**(ЎзА)**

**Инсон қалбини чароғон этадиган, унга ажиб бир ёғду бағишлайдиган орзулар бўладики, агар улар амалга ошса нафақат қувонасиз, балки ўзингизни дунёдаги энг бахтлилар сафида кўрасиз. Ана шундай эзгу ниятли орзулар эса, албатта, астойдил интилиш, тинимсиз меҳнат, неча-неча бедор тунлар эвазига амалга ошиб, ҳаёт йўлларингизни янада ёритади.**

*Интилганга толе ёр*

# «КАМОЛА»НИНГ КАМОЛИ

Камола ҳам жажжи қизалоқлигидаёқ онасига ҳавас қилиб қўғирчоғига чиройли либослар тикишга интилганида, баъзида қўлига санчилган игналар озоридан кўзларига ёш ҳам келганида беғубор қалбида илк орзулари куртак очган бўлса не ажаб. Ана шу куртак эса йиллар ўтгани сари ҳақиқий чаман бўлди, чинакамига мақсадга айланди. Шу боис бўлса керак, дилига нафақат тикувчи, балки модельер-дизайнер бўлиш орзусини туккан Камола мактабидан бўшади дегунча онаси Хатима опа ишлайдиган модалар ательесига чопарди. Бора-бора у «Шодлик» модалар ательесининг кичик тикувчисига айланди. Албатта, кўриб ўрганган бошқа, ана шуни назарий жиҳатдан мустаҳкамлаш эса келажакка интилиш, истиқболни таъминлаш гаровидир. Шу боис ҳам Камола ўрта мактабни тугатиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга кирди.

Ўқишни тугатиб ўзига қадрдон бўлиб қолган даргоҳ «Шодлик» модалар ательесида оддий тикувчи бўлиб иш бошлади. Ҳунар сир- асрорларини бошидан ўрганишга, ҳар бир майда икир-чикирларини мукаммал эгаллашга аҳд қилди. Буларнинг барчасида ўз мижозларига эга, ҳунари билан нафақат жамоадошлари, балки эл-юрт эътиборини қозонган меҳрибон волидаи-муҳтарамаси бош-қош бўлди, энг яқин маслаҳатгўйи ва ҳамкасбига айланди. Кейин эса «Юлдуз» акционерлик жамиятига кадрлар тайёрлаб берувчи 22-касб-ҳунар билим юртида қизларга сабоқ берди.





Камола Ғуломова ўзи янгилик яратишни, замонавий бичимдаги кийим-кечакларнинг бетакрор нусхаларини ўйлаб топиб буюртмачиларни мамнун этишни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Айниқса, мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка очилган йўл унда кенг имконият эшигини очди. «Эр-хотин — қўш қанот» деган халқимизнинг доно нақлига амал қилиб турмуш ўртоғи Ислом Ғуломов билан биргаликда Чилонзор туманида «Санжар дил» хусусий фирмасини ташкил этишди.

Хусусий фирмадаги гўзаллик салони ҳамда тикув цехини Камола бошқаради. Бу борада унинг турмуш ўртоғи энг яқин суянч бўлса, моҳир тикувчи, онаси Хатима Соқиева маслаҳатгўйи, мададкори. Гўзаллик салонидаги 10 га яқин моҳир сартарошлар мижозларга энг арзон нархларда, лекин сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Тикувчилик цехида эса буюртмалар асосида бир-бирини такрорламайдиган фасонларда аёллар, эркаклар, болалар устки кийимлари тайёрланади. Ҳам раҳбар, ҳам модельер-дизайнер Камола Ғуломова эса изланишдан асло чарчамайди. Айниқса, ўз услубига эга бўлган Камола яратган ва тиккан пардаларни кўрсангиз ҳавасингиз келади.

— Либос эгнингизга ҳусн бўлса, парда хонадонингизга чирой, — дейди тадбиркор Камола Ғуломова. — Унинг дизайнини яратишда хориж каталогларидан фойдаланган ҳолда ўз фантазиямни ишга соламан. Хонадоннинг кўриниши, ўлчами, қандай таъмирланганига эътибор қаратган ҳолда энг муҳими буюртмачи мижознинг талаби ҳамда эҳтиёжини ҳисобга оламан. Ўтган беш йил давомида мен ва шогирдларим тиккан замонавий пардалар қанчалаб бахтиёр оилалар хонадонларини безамади дейсиз. Лекин ҳали бирорта мижоздан эътироз эшитганимиз йўқ. Пардалар учун хомашё — матоларни асосан Туркия давлатидан келтирамиз. Мижозларга истаган нархларида маҳсулот тайёрлаб ҳамда уни хонадонларга бориб ўрнатиб бериш имкониятига эгамиз. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, айрим мижозларимиз ишимиздан ниҳоятда мамнун бўлишадию лекин бизнинг ишимизни «хорижлик мутахассисларга тайёрлатдим», «фалон салонда тиктирдим» деб мақтанишади. Ахир бу бизнинг ишимиз. Хорижникидан асло қолишмайдиган маҳсулотларимиз-ку. Нима учун буни айтишдан уялишимиз, «обрў»миз тушиб кетишидан чўчишимиз керак? Ваҳоланки, биз фахрланишимиз, жаҳонга ҳар соҳада юз тутаётганимизни кўз-кўз қилишимиз керак. Ундан кейин мижозни жалб этадиган нарса аввало муомала, унга ҳурмат, сифат ва муддат эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз ҳамиша самара беришини тажрибамда синаяпман.

«Камола» тикув цехида тажрибали усталар ишлашади. Айни кунда уларнинг сафи кенгайиб 25 нафарни ташкил этди. Камола Ғуломова эса уни янада кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи тайёр кийимларни «Камола» ёрлиғи билан тайёрлаш ниятида изланмоқда. Сифати тўла таъминланган ҳолда нархи эса четдан келтириладиган товарлардан иккиюч баравар арзон бўлади.

Камола хизмат сафари билан жуда кўп чет эл давлатларида бўлади. У ерда ўрганганларини эса халқимиз миллий қадриятлари, урф-одатларига уйғунлаштирган ҳолда тажрибада қўллайди. У ҳар доим кийиб юрадиган ўзимизда тайёрланган либослар ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳурмати, Ватанга муҳаббати тимсолидир.

Ёш ва серғайрат тадбиркор аёл келгусида кичик фабрика ташкил этиш истаги билан яшамоқда. Унда аёллар иш билан таъминланади, тайёрланган маҳсулотлар эса ички бозорни тўлдиради. У бутун меҳрию маҳоратини сарфлаб яратаётган пардалар эса ҳар бир нозик дидли хонадон соҳибасининг дилини яйратишини истаб изланмоқда.

— Маҳсулотимиз аҳолининг барча қатламлари талаб ва эҳтиёжини қондириши ютуқларимизнинг асосий гарови бўлиши аниқ, — дейди Камола фахр билан.

«Камола»нинг камоли эса саъй-ҳаракатлар туфайли ҳадемай нафақат пойтахтимизда, балки республикамизда яққол кўзга ташланиши, шубҳасиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбиркор Камола Ғуломова (ўртада) шогирдларидан маслаҳатларини аямайди; Камоланинг меҳнат маҳсуллари бўлган — пардалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Банк тизими*

# «ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ КРЕДИТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда, уларга молиявий кўмак беришда, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик равнақига муносиб ҳисса қўшишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг ҳам ўзига хос улуши бор. Кичик ва хусусий бизнес корхоналарига ушбу банклар ёрдамида ажратилаётган кредитлар уларнинг моддий- техник базасини мустаҳкамлашда, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақида, рақобатбардош, яъни экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон андозалари даражасидаги хизмат турларини ташкил этишда муҳим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистонда ягона бўлган «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқдаки, кредит бошқармаси бошлиғи Флора ИБРАГИМОВА билан мусоҳабамиз ана шу ҳақда бўлди.**

**— Кредит операцияси бўйича банкда қандай ишлар йўлга қўйилган ва улар яхши натижалар беряптими?**

— Ўтган йилда банк молиявий фаолиятининг ривожланишида республикада умумий иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган мавжуд қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар, иқтисодиётнинг аниқ суръатда ўсишига эришиш, инфляция даражасининг қисқариши ва миллий валюта курсининг барқарорлашуви муҳим таъсир кўрсатди. Шунингдек, Республика Марказий банкида қайта молиялаш фоиз ставкасининг пасайиши кредит ресурслари бозорида фоиз ставкалари даражасининг камайишига ва кредитга бўлган талабнинг кўтарилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ана шунинг натижасида банкимизда кредит операцияларини янада кенгайтиришга кенг йўл очилиб, банк активи тизимида у 63 фоизни ташкил этди. Ўтган йили кредит портфели 2,6 баробарга ортиб, 15,8 миллиард сўмни ташкил этди. Ваҳоланки, йил бошида бу рақам атиги 5,9 миллиард сўмдан иборат эди. Жорий йилнинг 1 июлида кредит портфели 16,7 миллиард сўмни ташкил этиб, асосан банкимиз ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга эътибор қаратди.

Банкимизнинг кредит сиёсати юқори даромад келтирадиган, мамлакат иқтисодиёти равнақига муҳим ҳисса қўшадиган хусусий ва қўшма корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**— Флора Рашидовна, «Ипак йўли» банкида янги кредит йўналиши — истеъмолчи кредитлари йўлга қўйилган экан. Ана шу ҳақда маълумот берсангиз?**

— Янги йўналиш, яъни истеъмолчи кредитлари республика бўйича биринчи бизнинг банкимизда йўлга қўйилди. Бунинг учун биз жорий йил бошида шаҳримиздаги 2 та фирма дўконлари билан бош келишув имзоладик. Булар компьютер ҳамда маиший техникалар билан савдони йўлга қўйган. «Нурон савдо» ва «Кредит осиё» фирма дўконларидир. Ушбу шартномага асосан «Ипак йўли» фирма дўконларида сотилаётган товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари ажратади. Ҳозирда «Нурон савдо» фирма дўкони билан 100 миллион сўмлик кредит линияси очилган бўлса, «Кредит осиё» фирма дўкони билан 50 миллион сўмлик лойиҳани молиялаштиришга эришдик. Бу албатта, ҳам истеъмолчи, ҳам савдо шохобчаси учун катта қулайликлардан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

**— Бунда харидор, яъни товарни сотиб олувчи кимга мурожаат этиши керак?**

— Харидор, яъни мижоз дўконга келиб, бизнинг банк мутахассисларимизга мурожаат этади. Ушбу мутахассисда барча керакли ҳужжатлар мавжуд. Мижоз эса паспортининг нусхаси ҳамда турар жойидан маълумотнома келтириши лозим. Истеъмолчи кредити бор-йўғи ярим соат ичида дўконнинг ўзида расмийлаштирилади ва харидор шундан сўнг дўкондан ўз харидини олиб кетади. Кредитлашнинг янги йўналиши билан бу усулда ҳали республикамизда ҳеч бир банк ишламаган бўлиб, ҳақиқатан ҳам молия бозоридаги янгилик саналади. Шу пайтгача истеъмолчи кредити олиш учун мижоз банкка кириши, расмийлаштириш учун кўплаб вақт сарфлаши, маълум муддат кутиши ва ниҳоят харидига эга бўлиши мумкин эди.

Кредит қайтарилиши билан моҳиятлидир ва бу асосий принципларимиздан бири ҳисобланади. Биз йўлга қўйган истеъмолчи кредитида расмийлаштириш жараёнида харид қилиб олинаётган товарлар автоматик равишда гаров бўлиб қолади. Шу билан биргаликда биз билан ҳамкорлик қилаётган фирма дўконлари ажратилган кредитнинг қайтарилиши учун кафилликни ўз зиммаларига олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, аҳоли биз билан аниқ ва тушунган ҳолда ишламоқда. Шу боис ўтган ойлар давомида истеъмолчи кредити қайтарилиши бўйича муаммолар келиб чиққани йўқ.

**— Ўз мижозларингизга нафақат миллий, балки хорижий валютада ҳам кредит ажратиш имкониятингиз бор экан.**

— Ҳа банкимиз Германия тикланиш ва тараққиёт (KfW) банки маблағларини молиялаш бўйича республикада ваколатли банк ҳисобланади. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қатор илғор корхоналарнинг ушбу хорижий валюта кредитига талаби катта, чунки уларга фоизларни ва асосий қарзни тўлашда банк томонидан қулай шароитлар яратилган.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида банк томонидан 1,6 миллион евро миқдоридаги 5 та инвестиция лойиҳаси маъқулланди. Шулардан қиймати 525,3 минг евро бўлган 3 та лойиҳа молияланди.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишнинг амалдаги дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Ипак йўли» ҳамда LFS Financial system GmbH консалтинг фирмасининг уч томонлама келишувига биноан кредитлаш йўналиши очилган. Улар нақд пул билан миллий ва хорижий валютада таъминланади. Жорий йилнинг ўтган ойларда қиймати 300 миллион сўмликдан зиёд 100 дан ортиқ микрокредит ажратилди.

**— Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда, тадбиркорлар сафининг кенгайишида лизинг хизматининг ўзига хос аҳамияти бор. «Ипак йўли» ўз мижозларига лизинг хизматларини кўрсатиш билан ҳам шуғулланмоқда, шундайми?**

— Ҳақиқатан ҳам 2001 йилдан буён лизинг хизматлари бўйича фаол иш олиб борилмоқда. 2002 йилда умумий қиймати 287 миллион сўмлик 18 та, ўтган йилда эса 439,6 миллион сўмлик 27 лизинг шартномалари бажарилди. Банкнинг лизинг объектлари бўлиб бинолар, асбоб-ускуналар, автомашина ва компьютер техникаси ҳисобланади.

**— Келгуси режаларингиз...**

— Режаларимизни банклар ўртасидаги рақобатдан, мижозларимиз талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз. Иқтисодиётимиз асосини ташкил этувчи кичик ва хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда эса ҳар доим янгиликка, яхшиликка интиламиз. Ҳар бир мижознинг талаб ва таклифини инобатга олишимиз ўзаро муносабатларимизни кўнгилдагидек йўлга қўйишда асосий омил ҳисобланади. Энг муҳими эса мижозлар ишончини оқлаб, уларга яқин молиявий ҳамкор бўлишдир.

**Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА**

# ТАДБИРКОР

*Суғурта*

## АСЛ МОҲИЯТИНИ АНГЛАТИШ ЛОЗИМ

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган аҳамиятга сазовор чора-тадбирлардан бири-республикада тадбиркорлик фаолиятини, жумладан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришдир. Тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмининг бир бўғини ҳисобланмиш суғуртага республика ҳукумати томонидан алоҳида аҳамият берилиб, Ўзбекистон суғурта бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.**

Барчамизга маълумки, тадбиркор ўзининг фаолияти давомида турли қалтисликларга дуч келади ва бунинг натижасида нафақат кўзланган фойдасидан маҳрум бўлиши, балки фойда олиш мақсадида бирор бир ишга қўшган сармояларини ҳам йўқотиши мумкин. Суғурта эса тадбиркорнинг кўрган зарарини қоплаш йўли билан уни ҳимоялайди ва фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди. Яъни, ўзининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш истагида бўлган тадбиркор республика суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларидан бирига мурожаат қилиб, бундай ташкилот билан суғурта шартномасига киришади.

Ҳозирги кунга келиб республика суғурта компаниялари таклиф қилаётган суғурта хизматлари тадбиркорлар ўз фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган тижорат ва сиёсий хавф-хатарлар натижасида кўриши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Жумладан, таклиф қилинаётган суғурта хизматлари орасида кенг тарқалган мол-мулк суғуртасига кўра тадбиркорлар ўзларига тегишли бўлган барча мол-мулкни фавқулодда табиий ҳодисалардан, ёнғин хавфидан, ўғирлик, учинчи шахс томонидан қасддан етказилиши мумкин бўлган зарардан ҳимоя қилишлари мумкин. Бу борада суғурта компаниялари ва суғурталанувчилар орасида «иншоотлар суғуртаси», «технология суғуртаси», «юкларни суғурта қилиш», «сармояларни суғурта қилиш», «автотранспорт воситаларини суғурта қилиш», «экин ҳосилини суғурта қилиш», «чорва молларини суғурта қилиш» ва бошқа турдаги мол-мулкни суғурта қилиш шартномалари тузилади.

Тадбиркорлар орасида катта қизиқиш уйғотадиган суғурта хизматларидан бири жавобгарликни суғурта қилишдир. Маълумки, тадбиркорлар ўз фаолиятлари давомида турли хил битимларга киришиб ўзлари учун мажбуриятлар туғдирадилар. Лекин бу мажбуриятлар объектив ва субъектив сабабларга кўра бажарилмай қолиши ва бунинг натижасида учинчи шахсларга ҳам мулкий, ҳам маънавий зарар етиши мумкин. Бундай зарарларнинг олдини олиш мақсадида «шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш шартномалари»ни тузиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шартномаларга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзларининг бирор шахс билан тузган шартномаларида, масалан олди-сотди шартномаларида кўрсатилган мажбуриятларини бажара олмаслик хавфини ва ундан келиб чиқадиган оқибатларни суғурта қилишлари мумкин. Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш шартномаларининг ўзига хос тарафи шундан иборатки, бундай шартномалар учинчи шахс фойдасига тузилади. Яъни, суғурта компанияси суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қопламасини суғурта шартномасини тузган тадбиркор олди-сотди шартномасида белгиланган мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида зарар кўрган шахсга тўлайди.

Жавобгарликни суғурта қилиш билан бир қаторда тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотадиган суғурта хизмати — тадбиркорлик хавфини суғурта қилишдир. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаларига кўра тадбиркор ўзининг тадбиркорлик хавфини, яъни тадбиркорнинг контрагентлари шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги натижасида зарар кўриши хавфи ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган равишда унинг фаолияти шарт-шароитлари ўзгариши ва кутилаётган фойдани ололмаслик хавфини суғурта қилиши мумкин.

Кўриб турганимиздек, республика иқтисодининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланмиш кичик ва хусусий бизнес, умуман, тадбиркорлик фаолияти кафолатлари мавжуд. Лекин расмий маълумотларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг жуда кичик фоизи ўз фаолиятлари давомида суғурта хизматларидан фойдаланишларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари тадбиркорлар ўз мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида суғурта компанияларига мурожаат қилиб, мақсадларига эришолмаётганликлари суд амалиётидан маълум бўлиб турибди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига суғуртанинг асл моҳиятини тушунтириш, уларнинг ҳуқуқий, шартномавий муносабатларга киришиш маданиятини ошириш мақсадга мувофиқ тадбирлардандир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси суғурта тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштириш, уни бир яхлит тизимга солиш жуда аҳамиятли.

**Лутфияхон АБДУКАРИМОВА,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси,**
**Тошкент Давлат юридик институти аспиранти.**

*Дилдаги гаплар*

## САФИМИЗ КЕНГАЯВЕРАДИ

**• Мухтор РАЖАБОВ, тадбиркор:**

— Тадбиркор ва ишбилармонлар сафининг кенгайишида, албатта мамлакатимизда уларга яратилаётган шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай шароит ва имкониятлардан фойдаланиш эса ҳар бир тадбиркорнинг билим ва маҳоратига, саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Яқинда матбуотда эълон қилинган Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармони ҳам юртимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожига, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлиб, бундан биз бениҳоя мамнун бўлдик.

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, тадбиркорларимизнинг чет эллик шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзимизда тайёрланган товар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни таъминлаш учун янги-янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикамизга чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилган ушбу палата, ўйлаймизки тадбиркорларнинг энг яқин мададкорига айланади. Албатта, тадбиркор учун ўзи суянадиган, муаммоларини ечишда чин дилдан куйинадиган, муваффақиятларини кўриб суюнадиган ташкилот бўлса, сафларимиз янада кенгаяверади.

## МУРУВВАТ ДИЛДАН ЧИҚСИН

**• Мукамбар ЗОҲИДОВА, хусусий фирма раҳбари:**

— Тадбиркорга саховат ярашади. Шу боисдан ҳам ҳозирда кўплаб тадбиркорларимизнинг мактаб ва боғчаларга, маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, кекса ва ногиронларга ёрдам бераётгани қувонарли ҳол, албатта. Негаки, «Саҳоватнинг етти дарвозаси бор», дейишади. Кўрсатилган саховат, меҳр-мурувват одамларга хушнудлик улашибгина қолмай, уларнинг дуолари тадбиркорга мадад бўлади.

Лекин шу ўринда, бир нарсани таъкидлашни истардим. Ҳар бир тадбиркор ўз имкониятига қараб, чин дилдан чиқариб саховат кўрсатсагина ишлари ўнгидан келаверади. Уларга «Фалон ташкилотга бунча берасан», «Агарда мана шунча маблағ ўтказмасанг, ишларинг ёмон бўлади» деб зуғум ўтказиш тўғри эмас. Афсуски, ана шундай ҳоллар кўпинча тадбиркорларни ишидан совутади. Шу боисдан ҳам саховат дилдан чиққани яхши-да.

*Сўранг, жавоб берамиз*

## КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

**Бизнеснинг қандай ғайриқонуний усуллари тадбиркорни ноқонуний ҳаракатга ундайди ва унинг ўз олдига қўйган мақсадига эришишига халақит беради?**

**Жаббор Нуримов,**
**Акмал Икромов тумани**

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда қаллоблик, яъни ўз манфаатини ўйлаб, бошқаларни алдаш учун турли найранглар ишлатиш, товламачилик, яъни кишиларни лақиллатиб кун кўриш, порахўрлик, ўғрилик, фоҳишалик, тиламчилик, босқинчилик, наркотик моддалар билан шуғулланиб пул топишни ҳақиқий бизнес деб аташ мумкин эмас.

Буларнинг барчаси ман этилган йўллар билан даромад топиш бўлиб, бизнес муносабати уларни ҳеч қачон тан олмайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳам «Ҳалол ва покиза нафақа енглар ва солиҳ ишлар бажаринглар» деб буюрган. Ислом таълимотига кўра, меҳнатсиз қўлга киритилган луқма ҳаром ҳисобланади. Шуни назарда тутган ҳолда юртимизда яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар ҳам ўз ризқу насибасини ҳалол, самарали меҳнатлари билан топишса ҳам обрў-эътиборлари ортади, ҳам давлатига давлат қўшилади.

Бугуннинг тадбиркори бизнесда юқоридаги ғайриқонуний усулларни рад қилувчи, энг аввало бозорни харидоргир товарга тўлдира оладиган ишлаб чиқарувчидир. Шундай экан у, албатта янгиликларни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзи ва жамиятининг бойлигини оширадиган, кишилар фаровонлигига ҳисса қўша оладиган бўлиши шарт. Негаки, кўза кунда эмас, кунида синади. Ноқонуний ҳаракат вақти келиб фош бўлиши, шубҳасиз.

# МАҲАЛЛА ГУЗАРИ ОЧИЛДИ

**Собир Раҳимов туманидаги "Пахта" маҳалласида ҳашар йўли билан маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг янги биноси ҳамда маҳалла гузари барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.**

Жорий йил бошидан буён мазкур туманда учта маҳалла фуқаролар йиғини идораларининг янги биноси ҳашар йўли билан қурилиб фойдаланишга топширилди.

Янги бинони фойдаланишга топшириш олдидан маҳалла аҳлига дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Тадбирда фаоллар маҳаллани янада обод қилиш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлашди. Бу ерда ёшлар маркази ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш учун амалий ишлар бошлаб юборилганлиги айтилди.

**«Туркистон-пресс»**

*Семинарлар*

# ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**«Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан Республика бўйича умумтаълим мактабларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада такомиллаштириш, келажакдаги истиқболли режаларни тузиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят Халқ таълими бош бошқарма вакиллари учун махсус семинар ўтказилди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси ўринбосари Гулчеҳра Олимжонова семинар дастури бўйича унинг иштирокчиларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолият тўғрисида батафсил маълумот берди.

Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларидаги Сардорлар Кенгаши тизими, ҳар йили ўтказиладиган Сардорлар сайлови тартиби билан танишишди. Шуни айтиш жоизки, илк Сардорлар Кенгаши тизими Тошкент шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти таклифи билан тузилган.

Семинар давомида 2004-2005 ўқув йилида умумтаълим мактабларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ва «Камалак» болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида устувор йўналиш ҳамда аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

**Мамлакатимизда инвесторлар, айниқса тўғридан-тўғри сармоя киритиш истагидаги сармоядорларга фаолият юритиши учун барча зарур шароит яратилган.**

Универсал бетон қолиплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «CA Paschal Fozms LTD» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ечилиши содда ва ўта қулай опалубка дастгоҳларини Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги қурилиш ташкилотларига етказиб беришни йўлга қўйган эди. Энди бундай маҳсулот Болтиқбўйи мамлакатларига ҳам экспорт қилина бошланди.

Бетон қуйиш қолиплари замонавий ва анъанавий меъморий кўринишдаги бино ва иншоотларни қуришда қўл келиши билан хорижлик мижозларга манзур бўлмоқда.

**ЎзА**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб дома бўлур...

● Бир куни улфатлар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда бир йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» — деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» — деб жавоб беришибди.

**Байт:**

**Дилраболар ошиқ**
**аҳлин ўлдирур**
**тош дил билан,**
**Лек қайта тиргизур**
**хушхулқу, ширин**
**тил билан!**
**Сен ғазаб бирла бирор**
**филни енголмассан бироқ,-**
**Бўлса юмшоқлик уни ром**
**айлагунг бир**
**қил билан!**

● Баъзи ҳакимларнинг фикрича, одамнинг ақлли эканлигининг белгиси ҳамма билан муроса қила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тўғрилик томон юргиза билишдадир. Мақолда: «Халқ билан тил топа олмаган киши — ақл неъматидан маҳрум киши» дейилади. Халқ билан муроса ва мадора деганда шундай нарсани тушуниш кераккки, унда ёлғончилик бўлмайди, ҳеч кимни алдамайди. Тили билан дили бир-бирига мувофиқ бўлади; каттаю кичик билан бирдек муомала қилади, барчани яхши ишлар сари ундайди, ҳеч кимга зарари тегмайди.

● Луқмони ҳаким айтади:

— Кишининг ақли шараф ва улуғлик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

● Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.

● **Ёмон отли киши**
**ўлик билан тенг,**
**Яхши ўлса ҳамки,**
**тирик эл аро.**
**Шундай яшагинки,**
**сен ўлсанг агар,**
**Бошга тупроқ сочиб**
**чексинлар наво!**

ҲИКМАТ. Таажжубки, дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар, ваҳоланки, у қаноатдадир. Роҳатни эса кўпдан қидирадилар, аксинча у оздадир.

**Байт:**

**Учқур оту, янги либосда,**
**Ҳеч фазилат**
**эмасдир ниҳон.**
**Дунёпараст хуш**
**либосликнинг,**
**Юрагида ғамидир**
**уммон.**
**Жон роҳатин**
**изласанг агар,**
**Қаноатда бўлгандир**
**пинҳон.**

● Бир ҳакимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқди ва биродарлик даражасига етди ва қайси бирига муҳаббатинг кучлироқдир?» Ҳаким: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани!» — деб жавоб берди.

● Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшайди. Дарахт тоза ва ҳосилли бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимайди.

**Ростлигу дўстликни**
**кутса бўлади,**
**Оқил кишилардан,**
**фарзоналардан.**
**Аҳмоқлик бўлади**
**яхшилик кутмоқ,**
**Ақли йўқ, баднамо,**
**девоналардан**

# ҚУЁШЛИ АНСАМБЛЬ ГОЛЛАНДИЯГА НУР СОЧДИ

**Голландиянинг Брунссум шаҳрида ЮНЕСКО нинг фольклор ва халқ санъати халқаро кенгаши шафеълигида ташкил этилган анъанавий "Брунссум намойиши" халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.**

Бу йилги фестивалда илк маротаба Муборак Мирзаева раҳбарлигидаги Тошкентнинг "Ассалом, қуёш" рақс жамоаси иштирок этди. Сўнгги йилларда ушбу жамоа санъат усталари дунёнинг турли қитъаларидаги халқаро фольклор ва рақс фестиваларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.

Дунёнинг 25 фольклор гуруҳлари орасида "Ассалом, қуёш" жамоаси мутахассислар ва мухлислар эътиборини жалб этди. Санъаткорларимиз ижросидаги миллий рақслар залга йиғилган барча томошабинларга манзур бўлди. Брунссум мэри Клеменс Брокеннинг эътирофига кўра, фестивалда ўзбекистонликларнинг иштирок этиши кутилмаган совға бўлди.

«Ҳатто фестиваль ташкилотчилари ўзбек санъаткорларининг бунчалик ёрқин тақдимотини кутмаган эдилар. Бу йил юртимизда булут ва ёмғирчилик кўп бўлди, бироқ "Ассалом, қуёш" бамисоли Голландияга қуёш нурини олиб келди", дейди фестиваль директори Тео Оферманс

**«Жаҳон» АА**

**Суд ҳукми, қарор ва ажримлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатлари ижроси тўлиқ амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ижро тизими суд-ҳуқуқ соҳасининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда айни тизимни такомиллаштириш, ижро самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

# ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

— Ижро жараёнида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги ислоҳотларнинг нечоғли тўғрилигини кўрсатяпти, — деди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари Баҳодир Янгибоев ЎзА мухбирига. — Тақдим этилаётган ҳужжатлар ижросининг ўз вақтида якунига етказилишига жиддий эътибор қаратилаётгани давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси таъминланишида муҳим омил бўлаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида республика суд ижрочилари бўлинмаларига 358 мингга яқин ҳужжат келди. Уларга асосан ундирилиши лозим бўлган пул маблағи миқдори 191,5 миллиард сўмни ташкил этди. Амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида улардан 80,7 фоизининг ижроси тўлиқ таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,7 фоиз кўп демакдир.

Айниқса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ундирувлар, хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича самарали натижаларга эришилди.

Суд ижрочилари фаолиятининг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун талаби асосида мажбурий ижро билан боғлиқ фаолият механизми ишлаб чиқилгани ижро иши самарадорлигида катта аҳамият касб этяпти. Қонуннинг 82-моддасида ижро ҳужжати талабини ихтиёрий равишда бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи киритилгани ҳамда мажбурий ижро чораларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилгани ижронинг белгиланган муддатда тўлиқ якунланишини таъминламоқда.

**ЎзА**

*Янги нашрлар*

# ЖАҲОН СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ

**Юртимизда миллионлаб спорт ишқибозлари бор. Албатта, шу жиҳатдан олганда «Интерспорт» номли яна бир янги спорт нашрининг дунёга келиши қувонарли ҳолдир. Энг муҳими шундаки, мавжуд спорт нашрлари орасида айнан хориж спорт ҳаётини батафсил ёритишга ихтисослашгани (албатта, ўзбек спортидаги энг муҳим воқеа ва ютуқларга ҳам кенг ўрин берилгани ҳолда) йўқ эди.**

Ҳафтанома таъсисчиларидан бири Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бўлганлиги сабабли «Олимпиада — 2004»га йўлланма олган юртимиз спортчилари, умумий олимпиада атрофидаги турфа хил гапларга доимий равишда кенг ўрин ажратилганини қувонарли ҳол сифатида баҳолашимиз мумкин. Янги нашрдан бокс, шахмат, теннис, автопойга хусусидаги материаллар, футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати, мунажжим тавсиялари ҳам ўрин олганлигини кўрамиз. Бу албатта мухлислар эътиборини тортади.

Шу пайтгача саккизта сони чоп этилган янги спорт нашрининг саҳифаларига кўз югуртирар эканмиз, футбол бўйича Осиё ва Европа чемпионати мукаммал ёритилгани ҳолда, катта теннис, хоккей, профессионал бокс, «Формула-1» автопойгалари, велоспорт, ўзбек кураши, енгил атлетика, шахмат, футбол, кикбоксинг, оғир атлетика ва бошқа кўплаб спорт турларини ўз ичига қамраган «Балли, Қосимжонов!», «Сафин ва Федерер», «Михаил Шумахер яна ғолиб!», «Фралау рекорди», «Темир Майк рингни соғинган», «Кличко ҳаммасини бошидан бошлайди», «Куракларі ерга тегмайди», «Довруғимизни жаҳонга ёйган спорт», «Марадонанинг виждони ёхуд футболни телбаларча севган кўнгил армони», «Олимпиада ўйинлари қандай пайдо бўлган?» каби кўплаб қизиқарли материаллар чоп этилаётганини кўрамиз. Энг муҳими, уларнинг аксарият қисми кичик ҳажмда бўлганлиги сабабли муштарийларни зериктириб қўймайди.

Демак, газета жамоаси муштарийларни қизиқтирадиган мавзуларни излашга, спорт нашрлари ичида ўз муносиб ўрнини топишга интиляпти.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

*Спорт*

## КИРЬЯН ЯНА «ПАХТАКОР»ДА

**Хитойда футбол бўйича Осиё чемпионати баҳслари давом этаётган айни кунларда мамлакатимиз олий лига жамоалари иккинчи давра учрашувларига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.**

Жорий йилги мавсумни ҳам пешқадам сифатида якунлашни ўз олдига ният қилган пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» Чимёнда ўқув машғулот йиғинларини ўтказди. Гарчи жамоанинг кўплаб етакчи ўйинчилари терма жамоа сафида Осиё чемпионатида иштирок этган бўлсада ўқув-машғулот йиғинлари кўнгилдагидек кетяпти. Сабаби, мавсумнинг биринчи даврасини хорижий жамоаларда ўтказган моҳир футболчи Владислав Кирьян яна жонажон «Пахтакор» сафидан ўрин олган. Шунингдек, пахтакорчилар таркиби нигериялик 17 ёшли Иче ҳисобига янада мустаҳкамланган.

## ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

**Сентябрь, октябрь ойларида Малайзияда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этиши мухлисларга яхши маълум.**

Аввал хабар берганимиздек, қитъа биринчилигида муваффақиятли қатнашишни ўз олдига мақсад қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айни кунларда Симферополь шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этмоқда. Шуниси эътиборлики, ушбу йиғинлар давомида Симферополь шаҳри жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари уюштириш ҳам режага киритилган. Куни кеча Симферополдан келган хушхабарга кўра ёшлар терма жамоамиз маҳаллий жамоалардан бири билан ўзаро куч синашиб 4:1 ҳисобида ғалаба қозонган.

## МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

**Жорий йилги мавсумда олий лигада илк бор иштирок этаётганлигига қарамай, шов-шувли ғалабаларга эришиб мухлислари кўнглини шод этаётган пойтахтнинг «Локомотив» жамоаси иккинчи давра учрашувларига жиддий ҳозирлик кўрмоқда.**

Собиқ пахтакорчи Андрей Микляев бош мураббийлигида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказаётган «Локомотив» жамоаси куни кеча Чирчиқ шаҳрида Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан ўртоқлик учрашувида куч синашди. Қизиқарли, муросасиз кечган баҳсларда дарвозаларга тўртта гол киритилди. Шуниси қизиқки, ҳар икки жамоа вакиллари ҳужумкор ўйин намойиш этишига қарамай учрашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ РЭНКИНГИ

**«Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси Ўзбекистоннинг 20 та етакчи тижорат банкининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунлари бўйича навбатдаги рэнкингини тақдим этди.**

Рэнкинг — бир неча банклар /корхоналар/ни айрим молиявий кўрсаткичларнинг жисмоний ҳажми бўйича таққослаш. Масалан, аҳолидан қабул қилинган омонатлар бир томондан одамларнинг мазкур банкка бўлган ишончидан далолат берса, иккинчи томондан банк хизматларининг жозибадорлиги белгисидир. Берилган кредитлар эса мижозлар базаси ва кредитлаш ишларини ташкил этиш даражасидан дарак беради.

Ўтган давр мобайнида рэнкингда иштирок этувчи банклар томонидан қабул қилинган аҳолининг жами омонатлари ҳажми 6 фоизга ошди. Бу кўрсаткич бўйича кичик ва ўрта гуруҳ банкларининг натижалари ҳаммадан юқори. Бу тоифада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биринчи, «Ўзсаноатқурилишбанк» иккинчи ва «Халқ банки» учинчи ўринни эгаллади.

«Ўзприватбанк» биринчи марта аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича етакчи банклар рўйхатига киритилди

«Ўзсаноатқурилишбанк», «Ҳамкорбанк», «Ғаллабанк», «Ипак йўли» банки ва «Капитал-банк» рэнкингда ўз ўринларини мустаҳкамлади.

«Ҳамкорбанк» эса республиканинг айрим йирик банкларини ортда қолдириб, ишонч билан илгариламоқда.

Кичик ва ўрта банклар ҳам кредит операцияларини сезиларли равишда фаоллаштирди. Бу борада Ўзбекистон Миллий банки, «Асака» банк ва «Ўзсаноатқурилишбанк» биринчи учта ўринни банд этиб турибди. «Халқ банки» ва «Бизнесбанк» ҳам ўз ўринларини яхшилади. Шуниси қувонарлики, етакчи банклар қаторига «Равнақ-банк» ҳам қўшилди.

**ЎзА**

*«Умумармия ўйинлари — 2004»*

# ГИЛАМДА — КУРАШ УСТАЛАРИ

**Маълумки, бугун илк бор ўтказилаётган Умумармия ўйинлари ҳарбий-спорт мусобақалари ўз поёнига етади. Турли ҳарбий округлар ва билим юртларидан иборат ўн уч жамоа таркибида куч синашаётган ҳарбийларнинг энг кучлилари бирин-кетин ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этмоқдалар.**



Хусусан, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида кураш бўйича мусобақалар ўз поёнига етди.

Ўзбек кураши усталари еттита вазн тоифасида ғолибни аниқлаш мақсадида икки кун давомида қизиқарли ва кескин беллашувларда ўз маҳоратларини намоён этишди.

Дастлаб ҳарбий спортчилар 60, 73, 90 килограммгача ва 100 килограммдан ортиқ вазнларда баҳс юритдилар. Финал беллашувлари натижаларига кўра 60 килограммгача вазнда Б.Хушвақтов (Ўзбекистон ИИВ қоровул қўшинлари), 73 килограммлилар ўртасида С. Эшонқулов (Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондон-муҳандислик билим юрти — СОҲАҚМБЮ) ғолиблар сафини бошқаришди.

90 килограммгача ва 100 килограммдан ортиқ вазнларда ҳам самарқандлик ҳарбий спортчилар Х.Холяров ва М.Соколовлар зафар қучишди.

Иккинчи куни қолган вазнларда ғолиблар аниқланди. Унда 66, 81 ва 100 килограммгача вазнларда Ш.Юсупов (ҳарбий қисм), А.Усмонов (СОҲАҚМБЮ) ва У.Саломов (Чирчиқ олий танк қўмондонлиги билим юрти)лар ғалаба қозонишди.

Умумармия ўйинлари бугун ўз ниҳоясига етади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: кураш беллашувларидан лавҳа .**

**Алексей Попов олган сурат.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!*

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

*«Тошкент шаҳар ҳокимлигининг лотереялар ташкил қилиш бошқармаси, ўзининг Низом фондининг камайиши ва 183 000 000 (бир юз саксон уч миллион) деб белгиланишини, шунингдек юридик манзилининг, Тошкент шаҳар 700000, Мовароуннаҳр кўчаси 14-уй манзили бўйича ўзгаришини маълум қилади».*

*тел. 136-39-37, 136-39-42.*

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ”и тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.

Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz

Www.2oxygen.com

www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2764 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. 2 3 4 5 6